

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ


1928 йил 11 декабрда асос солинган

«БЕШИНЧИ ФАСЛ» МЎЪЖИЗАЛАРИ

Сўнги йилларда вилоятимизда аҳолининг томорқа ерларидан самарали фойдаланиши натижасида оилалар фаровонлиги ошди, қолаверса, бозорларимиз расталари қишин-ёзин мева ва сабзавотлар билан тўла.

Томорқа — хазина

— «Хар бир оила — тадбиркор» дастури бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борганимиз ўз самарасини берди, — дейди Пискент туманидаги «Митан» маҳалласи раисаси Гулбахор Эргашева. — Маҳал-



Аброр ЭСОНОВ олган суратлар

ри етиштирувчилар кўпайди. Зухриддин ака Абдуллаев иссиқхонада лимон етиштиришни мақсад қилиб, адашмаган экан.

— Лимон жуда нозик дарахт, — дейди у. — Ундан мўл ҳосил олиш учун яхши парваришlash ва ўсиши учун мақбул шароит яратиш керак. Мавзуга доир турли китоб ва қўлланмаларни ўқиб, бу шифобахш меванинг «тилли»ни тушуниб олдим. Лимон етиш-

тириш учун жуда юқори ҳарорат ҳам шарт эмас. Мўстадил шароитда йил бўйи ҳосил олиш ҳам мумкин.

Хонадондаги лимонзорга кирсангиз, манзаранинг чиройлилигию, таралаётган ажиб ифродан кўнглингиз равшан тортиб тетиклашасиз. Иссиқхонада Зухриддин акага турмуш ўртоғи Лобархон, ўғиллари Қобилжон ва Жаҳонгирлар ёрдам беришади. Ахир, яхши парваришланган лимон-

нинг даромади ҳам чакки бўлмайдиди. Фақат ўтган йилнинг ўзида хонадон эгалари сарфланган харажатлардан ташқари 10 миллион сўм фойда кўришди.

Дарҳақиқат, томорқасининг хар қаричидан унумли фойдаланаётганларнинг хонадони обод, турмуши фарвон бўлмоқда.

К. САЛОМОВА,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири



ламиздаги хар бир хонадонга кириб, томорқаси қанча, имконияти қандайлигига қараб, кредит олишга кўмаклашдик, шунингдек, кўчат ва уруғликлар етказиб бериб ёрдам қилдик. Тез орада маҳалламизда иссиқхона қуриб, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотла-

Тиббий кўрик

Олмалиқ шаҳар кўп тармоқли поликлиникасида Жанубий Кореянинг Сеул Миллий университети стоматологик клиникаси профессорлари Бьенг Му Сео ва Ёнг Хун Кимлар томонидан тиббий кўрик ўтказилди.

КОРЕЯЛИК ШИФОКОРЛАР ОЛМАЛИҚДА

Кўрик Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш Миллий палатасининг ташаббуси билан ташкил этилди. Унда вилоятимиз ҳудудида истиқомат қилувчи лаб ва танглайда нуқсонлари бор болалар тиббий-кўриқдан ўтказилди.

— Қизим лаб ва танглай қисмида туғма нуқсон билан туғилган, — дейди бўстонликлик Дилором Зулфиқорова. — Шу кунгача шифохоналарда даволатдик. Ҳатто,



бир неча бор жарроҳлик амалиётини бошдан кечирди. Лекин, ҳалигача тўлиқ тузалиб кетмади. Бугунги кўрик ҳақида эшитиб, умид билан келдик. Шифокорлар фарзандимни текширувдан ўтказишди, апрель ойида операция қилишар экан. Уларнинг айтишича, қизимнинг соғайиб кетишига умид бор. Буни эшитиб жуда хурсанд бўлдим.

Кўрик давомида аниқланган нуқсонларни бартараф этиш юзасидан пластик операциялар жорий йилнинг апрель ойида Олмалиқ шаҳридаги шифохонада бепул амалга оширилиши режалаштирилган.

Кореялик мутахассисларнинг хулосасига кўра, лаб ва танглай ривожланишида нуқсонли мавжуд 38 нафар боладан 28 нафариди жарроҳлик амалиёти ўтказилиши зарур.

Зухриддин ҚАМБАРОВ

ҚУДРАТЛИ ТЕХНИКАЛАР кончилар мушкулени осон қилади

«Ўзбекқўмир» АЖ «Автомобиль технологик транспорти» филиалига Германия давлатидан яна учта Liebherr русумли замонавий бульдозер техникаси келтирилди, деб хабар беради Ангрен шаҳор ҳокимлиги Ахборот хизмати.

Модернизация

— Корхона ходимлари томонидан ушбу техника воситалари жадал суръатда йиғилмоқда, — дейди филиал кадрлар бўлими бошлиғи Қутлуг Тешабоев. — Янги бульдозерларга меҳнат стажи 5 йилдан кам бўлмаган 12 нафар энг

тажрибали ва малакали машинистлар танлаб олинди.

Маълумот учун: яқинда ҳам филиалга иккита Liebherr бульдозери келтириб, йиғилган эди. Айни кунларда ушбу техника воситалари кўмир кони ички ағдармасида



муваффақиятли ишлатилмоқда. Шунингдек, ўтган йилнинг ёз ойида Беларусь Республикасидан келтирилган «БелАЗ» автосамосваллари ҳисобига кон очиб ишларида автотранспорт воситаларининг улуши кескин ошди.

Матбуот анжумани:

ВОҚЕА ЖОЙИ — ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ

Газетамизнинг шу йил 8 январь сониди «Хайп»га берилган, айбга буюрманг сарлавҳали мақола чоп этилган эди. «Маҳалла» телеканалнинг «Воқеа жойи» кўрсатувига оддий томошбин ва вилоят ички ишлар бош бошқармасининг муносабати сифатида чоп этилган мазкур мақола ижтимоий тармоқларда қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Табиийки, унда қўрилган айрим жиҳатларга телеканал ижодкорлари томонидан эътирозлар ҳам бўлди.

Ўтган ҳафта якунида Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармасида бўлиб ўтган навбатдаги матбуот анжуманида ўтган йил мобайнида вилоят ички ишлар органлари фаолиятини таҳлил қилиш асосида мазкур масалага ҳам аниқлик киритилди.

Анжуманда «Маҳалла» телеканалда намойиш этилган «Воқеа жойи» кўрсатуви атрофидаги муҳокамалар мазмуни, унда баён этилган бадий тўқималарнинг реал воқеликка нечоғлик муво-

фиқлиги бўйича телеканал масъуллари томонидан маълумот берилди.

Қайд этилишича, мазкур кўрсатувда 5 ёшли қизчанинг қабри очилиши билан боғлиқ воқеа бундан 33 йил олдин, яъни 1987 йилда Бўка туманида содир бўлган. Кўрсатувда қайд этилган айрим жиҳатлар, хусусан, томошабинни жунбишга келтирган жабрдийданинг қизлик органига «қизиган темир босиш»га доир жирканч эпизод бадий тўқима маҳсули бўлиб

чиқди. Бирок, кўрсатув давомида бу ҳақда маълум қилинмагани боис томошабинда воқеалар айни пайтда содир бўлган, деган тасаввур пайдо бўлган. Устига устак, «Воқеа жойи»нинг нишонига айланган Паркентдаги қотиллик умуман содир бўлмагани, Олмалиқдаги жиноят эса талқин қилинганидан мутлақо бошқача эканини ички ишлар бош бошқармаси тегишли соҳавий хизматлар мутасаддилари далиллар билан тушунтирдилар.



Шунингдек, идоралар ҳамкорлигида жиноятчиликнинг олдини олиш, айниқса, ёшлар орасида бу иллатга йўл қўймаслик мақсадида зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Ўтган 2019 йил мобайнида содир этилган умумий жиноятлар 2018 йилга нисбатан 7 фоизга, шу жумладан, жиноят-қидирув йўналишидаги жиноятлар 9 фоизга камайган. Шу даврда



Шунингдек, тадбирда тегишли идоралар ҳамкорлигида жиноятчиликнинг олдини олиш, айниқса, ёшлар орасида бу иллатга йўл қўймаслик мақсадида зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Ўтган 2019 йил мобайнида содир этилган умумий жиноятлар 2018 йилга нисбатан 7 фоизга, шу жумладан, жиноят-қидирув йўналишидаги жиноятлар 9 фоизга камайган. Шу даврда

Маълумки, 2019 йилнинг 30 декабрида янги таҳрирдаги Солиқ кодекси қабул қилинди.

Ҳўш, мазкур кодекс билан солиқ қонунчилиги қандай янгилик ва ўзгаришлар киритилди? Қолаверса, аҳоли ва тадбиркорларга солиқ имтиёзлари кўзда тутилганми? Солиқ турлари қанчага қисқармоқда? Шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида Қибрай тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Акмалжон Тиллаев билан сўхбатлашдик.

Солиқ кодекси: ИМТИЁЗ, ИМКОНИЯТ ВА БУРЧ

— Дарҳақиқат, сўнги йилларда солиқ тизимида ҳам кўплаб ислохотлар амалга оширилди, — дейди А. Тиллаев. — Яратилаётган имтиёзлар натижасида йилдан-йилга тадбиркорлар сафи кенгайиб бормоқда. Жумладан, Қибрай тумани мисолида оладиган бўлсак, 2018 йилда 422 та янги корхоналар фаолияти йўлга қўйилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 693 тани ташкил этди. Ҳозирда тумандаги тадбиркорлик субъектлари сони 3 минг 500 тадан ошиб кетди.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси 2 қисм, 21 бўлим, 71 боб ва 480 моддадан иборат бўлиб, солиқ қонунчилигида қатор янгиликлар жорий этилмоқда. Хусусан, солиқлар ва йиғимларнинг сони ва турлари, шунингдек, алоҳида солиқ режимлари оптималлаштирилди.

Жумладан, солиқ органларининг устувор вазифалари сифатида солиқ тўловчилар билан ҳамкорлик асосида иш юритиш принципи киритилди. Яъни, солиқ органлари солиқ тўловчилар билан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига амал қилиш мақсадида ҳамкорлик қилиши шартлиги белгилаб қўйилди.

Қолаверса, солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди. Хусусан, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, республика йўл жамғармасига мажбу-

рий тўловлар, ягона ер солиғи шулар жумласидандир.

— Эшитишимизга қараганда, ортиқча тўланган солиқ тўловларини қайтариб бериш тизими тубдан ўзгараётган экан. Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Дарҳақиқат, солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ижро этган солиқ тўловчиларга 2020 йилнинг 1 июлидан бошлаб, қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳосил бўлган ортиқча суммаси, яъни «манфий» қолдиқ суммасини тўлиқлигича қайтариш тартиби жорий этилмоқда.

Шунингдек, ортиқча тўланган солиқ суммаларини ўз вақтида қайтарилмаганлиги ёки солиқ органлари томонидан асосиз ундирилганлиги аниқланса, Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдоридан бюджетдан солиқ тўловчиларга фоииз тўлаш белгиланмоқда.

Сир эмас, олдинги кодекс бўйича ортиқча олинган маблағларнинг қайтарилиши асосиз равишда чўзилиши оқибатида тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига зарар етказилар эди. Эндиликда солиқ органи тадбиркорларга ортиқча тўлов суммасини қайтариш билан бирга хар бир кечиктирилган кун учун фоииз тўлаб берилиши белгиланди.

Давоми 2-бетда

Ўз муҳбири
Аброр ЭСОНОВ
("Тошкент ҳақиқати")
олган суратлар

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ тасарруфидаги умумтаълим мактаблари директорлари лавозимига танлов эълон қилади

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2019 йил 26 ноябрдаги "Тажриба тариқасида Халқ таълими бўлими мудири, умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимига танлов ўтказиш тартибини жорий этиш тўғрисида"ги 378-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармаси куйидаги умумтаълим мактаблари вакант директорлари лавозимига танлов эълон қилади:

Ангрен шаҳри:	6, 19, 23-сонли умумий ўрта таълим мактаблари;
Бўка тумани:	20, 43-сонли умумий ўрта таълим мактаблари;
Бўстонлиқ тумани:	44, 46-сонли умумий ўрта таълим мактаблари;
Зангиота тумани:	3, 43-сонли умумий ўрта таълим мактаблари;
Қибрай тумани:	10, 15-сонли умумий ўрта таълим мактаблари;
Куйи Чирчиқ тумани:	39, 52-сонли умумий ўрта таълим мактаблари;
Нурафшон шаҳри:	62, 73-сонли умумий ўрта таълим мактаблари;
Оҳангарон тумани:	26-сонли умумий ўрта таълим мактаби;
Оҳангарон шаҳри:	2-сонли умумий ўрта таълим мактаби;
Паркент тумани:	11, 29, 35-сонли умумий ўрта таълим мактаблари;
Пискент тумани:	3, 9-сонли умумий ўрта таълим мактаблари;
Тошкент тумани:	18, 20, 29-сонли умумий ўрта таълим мактаблари;
Ўрта Чирчиқ тумани:	5, 15, 22, 29, 50, 51, 68, 71-сонли умумий ўрта таълим мактаблари;
Чиноз тумани:	8, 23, 27, 35, 39, 45-сонли умумий ўрта таълим мактаблари;
Юқори Чирчиқ тумани:	16, 36-сонли умумий ўрта таълим мактаблари;
Янгийўл тумани:	57-сонли умумий ўрта таълим мактаби;
Янгийўл шаҳри:	7-сонли умумий ўрта таълим мактаби.

Халқ таълими вакант умумтаълим мактаби директори лавозими учун номзодга қўйиладиган малака талаблари:

- олий маълумот;
- педагогика соҳасида камида 5 йиллик иш стажига эга бўлиши;
- раҳбарлик лавозимида камида 2 йил иш стажига эга бўлиши;
- халқ таълими тизимига оид миллий қонунчилик соҳасидан хабардор бўлиши;
- музокара олиб бориш қобилияти;
- етакчилик фазилатларининг мавжудлиги, шахслараро муносабатларни ўрнатиш қобилияти, ташкилотчилик ва масъулиятчилик;
- яқка тартибда ва жамоада ишлаш, низоларни ҳал қилиш қобилияти;

- ташаббускорлик, ижодкорлик, стрессга чидамлик, қарорларни қабул қилиш қобилияти;
- тадбиркорлик кўникмалари;
- MS Office, Internet компьютер дастурларини мукамал билиши;
- ўзбек ва рус тилларини билиши, инглиз тили – мақсадга мувофиқ.

Танловнинг саралаш босқичлари:

- тест синовлари (танловнинг биринчи босқичи учун IQ, EQ, менежерлик кўникмаларини баҳолаш тест);
- амалий топшириқ – тақдимот тайёрлаш.

Номзодлар ўз маълумотларини Халқ таълими вазирлигининг "Мактаб таълим жараёнини бошқариш тизими" базасида "Бўш иш ўринлари" бўлими (ish.uzedu.uz veb-сайтига) электрон шаклда тақдим этилган ариза ва унга илова қилинаётган ҳар бир ҳужжат ҳақиқийлиги сақланишини таъминловчи таъминловчи алоҳида файл кўринишида бўлиши керак. Ҳар бир файл ўлчами 10 Мбдан ошмаслиги лозим.

Ҳужжатлар "НДФ" (нортабле документ формат) форматида сканер қилинган ҳолда жўнатилади.

Маълумот учун: Tel/faks: 0371-231-65-71. /// E-mail: toshkent_vxtb@xtv.uz, toshkent_vxtb@exat.uz

Ангрен шаҳри	
1	6-сонли умумий ўрта таълим мактаби
2	19-сонли умумий ўрта таълим мактаби
3	23-сонли умумий ўрта таълим мактаби
Бўка тумани	
4	20-сонли умумий ўрта таълим мактаби
5	43-сонли умумий ўрта таълим мактаби
Бўстонлиқ тумани	
6	44-сонли умумий ўрта таълим мактаби
7	46-сонли умумий ўрта таълим мактаби
Зангиота тумани	
8	3-сонли умумий ўрта таълим мактаби
9	43-сонли умумий ўрта таълим мактаби
Қибрай тумани	
10	10-сонли умумий ўрта таълим мактаби
11	15-сонли умумий ўрта таълим мактаби
Куйи Чирчиқ тумани	
12	39-сонли умумий ўрта таълим мактаби
13	52-сонли умумий ўрта таълим мактаби
Нурафшон шаҳри	

14	62-сонли умумий ўрта таълим мактаби
15	73-сонли умумий ўрта таълим мактаби
Оҳангарон тумани	
16	26-сонли умумий ўрта таълим мактаби
Оҳангарон шаҳри	
17	2-сонли умумий ўрта таълим мактаби
Паркент тумани	
18	11-сонли умумий ўрта таълим мактаби
19	29-сонли умумий ўрта таълим мактаби
20	35-сонли умумий ўрта таълим мактаби
Пискент тумани	
21	3-сонли умумий ўрта таълим мактаби
22	9-сонли умумий ўрта таълим мактаби
Тошкент тумани	
23	18-сонли умумий ўрта таълим мактаби
24	20-сонли умумий ўрта таълим мактаби
25	29-сонли умумий ўрта таълим мактаби
Ўрта Чирчиқ тумани	
26	5-сонли умумий ўрта таълим мактаби
27	15-сонли умумий ўрта таълим мактаби

28	22-сонли умумий ўрта таълим мактаби
29	29-сонли умумий ўрта таълим мактаби
30	50-сонли умумий ўрта таълим мактаби
31	51-сонли умумий ўрта таълим мактаби
32	68-сонли умумий ўрта таълим мактаби
33	71-сонли умумий ўрта таълим мактаби
Чиноз тумани	
34	8-сонли умумий ўрта таълим мактаби
35	23-сонли умумий ўрта таълим мактаби
36	27-сонли умумий ўрта таълим мактаби
37	35-сонли умумий ўрта таълим мактаби
38	39-сонли умумий ўрта таълим мактаби
39	45-сонли умумий ўрта таълим мактаби
Юқори Чирчиқ тумани	
40	16-сонли умумий ўрта таълим мактаби
41	36-сонли умумий ўрта таълим мактаби
Янгийўл тумани	
42	57-сонли умумий ўрта таълим мактаби
Янгийўл шаҳри	
43	7-сонли умумий ўрта таълим мактаби

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги "Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5886-сонли Фармони ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида

"Қишлоқ қурилиш инвест" масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси 2020 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади

№ 2020-01

Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2020 йил 16 январь.

Тендер таклифларини тақдим этиш учун охириг муҳдат: эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг.

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари.

1-тип: тўрт қаватли кўп квартиралар (2, 3 хонали) уйлар;

2-тип: беш қаватли кўп квартиралар (2, 3 хонали) уйлар;

Тендер иштирокчилари куйида санаб ўтиладиган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин.

"Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ ИК ("Буюртмачи") ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларини куйида келтирилган шартномалар бўйича янгиланган намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун ("Қурилиш ишлари") муҳрланган танлов таклифларини киритишларини тақдим қилади.

Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ўтказилади.

Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Тошкент вилояти қурилиш-да танлов савдолари ташкил этиш консалтинг марказида куйида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй. Телефон: (0 371) 241-15-37, Факс: (0 371) 241-15-26.

1. Тендер ҳужжатларининг нуқсасини олиш учун тендер иштирокчилари куйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

_____ вилояти, _____ тумани, _____ массивидаги, _____ лот _____ та яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сў-

райман" шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим. Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб, барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотчиларининг – Тошкент вилояти қурилишда танлов савдолари ташкил этиш консалтинг маркази тегишли бўлимлари банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган БХМ (базавий ҳисоблаш миқдори)га тенг.

Банк ҳисоб рақами реқвизитлари куйида келтирилган: "Азия Альянс Банк" Олмасор филиали, ИНН: 300 017 720, МФО: 01102. Ҳ/р: 2021 0000 5045 4602 7001.

Тендер ҳужжатлари куйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:

юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларида.

Таклифларни тақдим этиш шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтга.

Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишининг охириг кунинда тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида куйида келтирилган манзилда ўтказилади: Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90. Телефон: +0 (371) 232-80-47, Факс: +0 (371) 232-80-42.

Қўшимча маълумотлар учун "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин.

Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари куйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Уй типлари	Бир донга уй (квартира) учун талаб этилади:				
	Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм)	Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм)	Сўнгги бир йил давомиди бажарилган сўм ишлари ҳажми м ³	Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м ³	Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони м ²
Тўрт қаватли кўп квартиралар (2, 3 хонали) уйлар	2 600 000 000	2 200 000 000	400	700	1500
Беш қаватли кўп квартиралар (2, 3 хонали) уйлар	3 000 000 000	2 400 000 000	450	750	1800

Шартнома (лот)лар рўйхати

Лот №	Ҳудуд	Қишлоқ аҳоли пункти номи	Квартира сон	Тўрт қаватли 2-3 хонали уйлар			Беш қаватли 2-3 хонали уйлар			Таклифларни топширишининг охириг муҳдати
				сон	квартира	уй рақами	сон	квартира	уй рақами	
	Тошкент вилояти		480	20	480					
123	Бекобод	Истиклол	24	1	24				2020 йил 17 февраль 11:00	
124	Бекобод	Истиклол	24	1	24				2020 йил 17 февраль 11:00	
125	Зангиота	Ўртаовул	24	1	24				2020 йил 17 февраль 11:00	
126	Зангиота	Ўртаовул	24	1	24				2020 йил 17 февраль 11:00	
127	Зангиота	Ўртаовул	24	1	24				2020 йил 17 февраль 11:00	
128	Ўрта Чирчиқ	Уйгур	24	1	24				2020 йил 17 февраль 11:30	
129	Ўрта Чирчиқ	Уйгур	24	1	24				2020 йил 17 февраль 11:30	
130	Ўрта Чирчиқ	Уйгур	24	1	24				2020 йил 17 февраль 11:30	
131	Ўрта Чирчиқ	Уйгур	24	1	24				2020 йил 17 февраль 11:30	
132	Янгийўл	Гулбахор	24	1	24				2020 йил 17 февраль 12:00	
133	Янгийўл	Гулбахор	24	1	24				2020 йил 17 февраль 12:00	
134	Янгийўл	Гулбахор	24	1	24				2020 йил 17 февраль 12:00	
135	Янгийўл	Гулбахор	24	1	24				2020 йил 17 февраль 12:00	
136	Куйи Чирчиқ	Ибрат	24	1	24				2020 йил 17 февраль 12:30	
137	Куйи Чирчиқ	Ибрат	24	1	24				2020 йил 17 февраль 12:30	
138	Куйи Чирчиқ	Ибрат	24	1	24				2020 йил 17 февраль 12:30	
139	Куйи Чирчиқ	Ибрат	24	1	24				2020 йил 17 февраль 12:30	
140	Янгийўл ш.	Бахт	24	1	24				2020 йил 17 февраль 14:00	
141	Янгийўл ш.	Бахт	24	1	24				2020 йил 17 февраль 14:00	
142	Янгийўл ш.	Бахт	24	1	24				2020 йил 17 февраль 14:00	

